

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari

Son 1/S. Jild 4.

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/1 (4) - 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматовиҷ – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўқтамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Сайдалохонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Кулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Файбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Сайдова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, "Tashkent International University of Education" халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулув Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тибиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехruz Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдулаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

#### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

#### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Ҳавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна - педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Қаюмова Насиба Ашурновна - педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохида Зайневна - педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибраҳимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баҳодировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна - педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

#### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна - психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна – психология фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### 22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;  
Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси.

#### 23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;  
Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

### ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” маъсулияти чекланган жамияти

#### Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Fayziyev O'rinboy Toshmuhammad o'g'li</i>	
O'ZBEKISTONDA ALOHIDA TA'LIM EHTIYOJIGA EGA BO'LGAN INSONLARNI IJTIMOIY HIMOYALASH SOHASIDAGI ISLOHOTLAR .....	9-16
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i>	
ФАРГОНА ВОДИЙСИ МИНГ ЎЗБЕК УРУҒИ МАНБАЛАРИ ТАРИХИДАН .....	17-22
<i>Rajapov Mardonbek Qosimboy o'g'li</i>	
AFRIG'IYLAR SULOLASI TARIXINING TURK TILLI TADQIQOTLARDA YORITILISHI .....	23-26
<i>Исмоилова Нигорахон Усмонжановна</i>	
НАЛИВКИН И ЕГО СВЕДЕНИЯ О ТУЗЕМНОЙ ЖЕНЩИНЕ .....	27-34
<i>Мирхакимова Феруза Холдоржон кизи</i>	
ВЗГЛЯД В ИСТОРИЮ МЕМОРИАЛЬНОГО МУЗЕЯ САДРИДДИН АЙНИ .....	35-40

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Zhao Rong</i>	
RESEARCH ON THE CONSTRUCTION OF CORE CURRICULUM STANDARDS FOR CROSS-BORDER E-COMMERCE MAJORS BASED ON HIGHER VOCATIONAL EDUCATION IN INNER MONGOLIA .....	41-48
<i>Husanboyev Sadafbek Yorqinjon o'g'li</i>	
FARG'ONA VILOYATIDA AGROTURIZM FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA RESURS SALOHIYATINI BAHOLASH .....	49-58
<i>Malikova Gulhayo Turdali qizi</i>	
TIJORAT BANKLARDA INVESTITSION FAOLIYAT TAHLILI .....	59-64
<i>Maxmudov Anvarjon</i>	
SOLIQ HUQUQBUZARLIKLARINI TARKIBI, SHAKLLANISH MANBALARI VA ULARNI IQTISODIY MOHIYATI .....	65-75
<i>Мухитдинов Аҳрор</i>	
РАҲАМЛИ ИҚТИСОДИЁТДА ЯГОНА МАРКАЗЛАШГАН ДИСПЕЧЕРЛИК ХИЗМАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ .....	76-82
<i>Jurayev Xusan Atamuratovich</i>	
KORXONANI MOLIYAVIY SOG'LOMLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI .....	83-89
<i>Butunov Shaymardan Berdiyarovich</i>	
NOANIQLIK ORQALI HARAKAT QILISH: IQTISODIY BEQARORLIK SHAROITIDA MOLIYAVIY TAHLIL .....	90-96
<i>Islomova Mohlaroyim Inomjon qizi, Ortiqova So'g'diyona Abdusodiq qizi, Abdurahimova Zulhumor Azimjon qizi</i>	
TURIZM XIZMATLAR SOHASIDA RAQAMLI TEXNALOGIYALARNI QO'LLASH .....	97-103
<i>Содиков Анвар</i>	
ЎЗБЕКИСТОН ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ КЎП ОМИЛЛИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАР АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА МУҶОБИЛ СЦЕНАРИЙЛАРИНИ АНИҚЛАШ...	104-116

<i>Norov Asror Egamberdiyevich, Fazliddinov Shohruh Shamsiddinovich</i>	
O'ZBEKISTONDA DOKTORANTURA FAOLIYATI YO'LGA QO'YILGAN OLIY TA'LIM VA ILMIY TADQIQOT MUASSASALARI .....	117-122

#### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Эшонкулова Нуржакон Абдужабборовна</i>	
ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ .....	123-130
<i>Khalilova Shakhlo Abdurashitovna</i>	
IBN SINA AND HIS CONTRIBUTION TO SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION: RETHINKING THE HERITAGE OF EASTERN THINKERS .....	131-136

#### **10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

<i>Saidov Hakim G'ofurovich</i>	
VATANPARVARLIK VA MILLIY G'URURNING FALSAFIY KATEGORIAL NEGIZLARI .....	137-141
<i>Jabborov Jamshid Azimovich</i>	
MA'NAVIY EHTIYOJLAR JAMIYAT MA'NAVIY HAYOTINING TARKIBIY QISMI SIFATIDA .....	142-148
<i>Соатов Ғайрат</i>	
БАЙРАМЛАР – МИЛЛАТНИНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТИ .....	149-156
<i>Raxmatova Xolidaxon Xolikovna</i>	
NAQSHBANDIYLAR EHTIROMIGA SAZOVOR BUYUK ZOT .....	157-161
<i>Wang XiaoYu</i>	
AN ANALYSIS OF THE MYTHICAL PATTERNS IN ULYSSES FROM THE PERSPECTIVE OF ARCHETYPE THEORY .....	162-170
<i>Mamadkulova Kamila Abdukhalikovna</i>	
FEATURES OF 19th CENTURY LITERATURE: ROMANTICISM AND REALISM .....	171-175
<i>Aripova Saodat Taxirovna</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KONCHILIK LEKSIK BIRLIKALARINING LEKSIK-SEMANTIK XUSUSUYATLARI .....	176-181
<i>Xudoyqulov Behzod Abbosovich</i>	
ITALYAN TILDAGI FRAZEOLOGIK IBORALAR TARJIMASI VA ULARNING O'ZBEK TILDAGI EKVIVALENTLARI .....	182-187
<i>Mavlonova Gulnora Abdig'ani qizi</i>	
ADABIYOTDA QO'LLANILGAN EVFEMIZMLAR (ROMAN VA SHE'RIYAT) MISOLLAR BILAN .....	188-192
<i>Tuxtayeva Dildora Zokirovna, Izzatilloyeva Sevinch Nusratilloyevna</i>	
INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA "YAXSHILIK" KONSEPTINI IFODALOVCHI MAQOLLARNING MILLIY-MADANIY XUSUSUYATLARI .....	193-197
<i>Djurayeva Orzigel Gafurovna</i>	
QAXXOR BAXSHI RAHIMOV IJODINING O'RGANILISHI .....	198-204
<i>Gafarova Shahnoza Hayrullayevna</i>	
TIL VA TA'LIM: MUAMMO VA YECHIMLAR .....	205-209

**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР**

- Исломқурова Шоҳсанам Ваҳобжон қизи*  
 ВРАЧНИНГ КАСБИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ СУФУРТА ҚИЛИШНИ ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ  
 ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ОМИЛЛАРИ ВА ЗАРУРИЯТИ ..... 210-215

*Sarvinoz Sunnatillaeva*

- PROCEDURAL CHALLENGES IN THE REGULATION OF ABUSE OF DOMINANT POSITION IN  
 UZBEKISTAN ..... 216-222

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Soliyev Ibodulloxon Ismatullayevich*

- FACTORS AFFECTING THE EFFICIENCY OF REFORMS IN THE MANAGEMENT SYSTEM OF  
 HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS ..... 223-233

*Shokirov Po'lat*

- TALABALARGA ATLETIK GIMNASTIKA MASHG'ULOTLARINI JOZIBADORLIGINI OSHIRISHING  
 USLUBIY ASOSLARI ..... 234-238

*Begmatova Dilnoza Muxtarovna*

- JAHON MIQYOSDA TA'LIM JARAYONI SUBYEKTLARIDA MADANIY IMMUNITETNI  
 SHAKLLANTIRISH TENDENSIYALARI ..... 239-243

*To'rayev Panji To'xtayevich*

- MILLIY KURASH MASHG'ULOTLARIDA UMUMIY JISMONIY TAYYORGARLIKNI TASHKIL  
 ETISH VA SHAKLLANTIRISH ..... 244-248

- Axmedova Nafisa Isaxodjayevna, Azamatov Abdullo Isaxo'ja o'g'li, Lutfullina Rumiya Anvarovna*  
 OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA JISMONIY TARBIYA VA SPORT FAKULTETLARI TALABALARI  
 UCHUN ANTIDOPING QOIDABUZARLIKLARINING OLDINI OLISH MEXANIZMINI  
 YARATISH ..... 249-256

*Egamberdiyev Javlonbek*

- TA'LIM MUASASSALARIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNI TASHKIL QILISH VA UNING  
 ILMIY-USLUBIY ASOSLARI ..... 257-260

*Kenjaboev Abdisalim Erkaboevich*

- ZAMONAVIY TA'LIM- TARBIYA JARAYONIDA PEDAGOGIK RAHBARNING  
 KOMPETENTLIGI ..... 261-265

## **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

**Эшонкулова Нуржакон Абдужабборовна**

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент  
Навоий давлат кончилий ва технологиялар университети

“Ижтимоий -гуманитар фанлар ва  
жисмоний тарбия” кафедраси доценти  
Email: [eshonkulova79@list.ru](mailto:eshonkulova79@list.ru),

### **ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ: ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада, глобаллашув шароитларида таълим жараёни ва таълим тизимлари ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиниб, ягона таълим маконини шакллантириш, миллий таълим анъаналарини асрар-авайлаш, таълим ва тарбия тизимининг трансформацияси, модернизацияси ва ислоҳ қилинишининг концептуал асосларини яратиш зарурати илмий асосланган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, таълим, тарбия, трансформация, модернизация, ахборот жамияти, фундаменталлаштириш, плюрализм.

**Eshonkulova Nurjakhon**

Doctor of philosophical sciences (PhD), Associate professor of  
"Social and Humanities and Physical Education" Department  
Navai state mining and technologies university,

### **TRANSFORMATION OF THE EDUCATION SYSTEM UNDER GLOBALIZATION: SOCIAL AND PHILOSOPHICAL ANALYSIS**

**Abstract.** This article provides a socio-philosophical analysis of the educational process and educational systems in globalization, as well as scientifically substantiates the formation of a unified educational space, the preservation of national educational traditions, the need to create conceptual foundations for transformation, modernization and reform of the education and upbringing system.

**Key words:** globalization, education, upbringing, transformation, modernization, information society, fundamentalization, pluralism.

**Эшонкулова Нуржакон Абдужабборовна**

Доктор философии по философским наукам (PhD), Доцент кафедры  
“Социально-гуманитарные науки и физическое воспитание”,  
Навоийский государственный горно-технологический университет

### **ТРАНСФОРМАЦИЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ: СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ**

**Аннотация.** В данной статье проводится социально-философский анализ образовательного процесса и образовательных систем в условиях глобализации, также научно обосновано формирование единого образовательного пространства, сохранение национальных образовательных традиций, необходимость создания концептуальных основ трансформации, модернизации и реформирования системы образования и воспитания.

**Ключевые слова:** глобализация, образование, воспитание, трансформация, модернизация, информационное общество, фундаментализация, плюрализм.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI1Y2024N16>

**Кириш.** Глобаллашаётган дунё ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларидаги каби таълим соҳасида ҳам туб ижтимоий-маданий ўзгаришлар даври бўлиб, бу замонавий таълимнинг асосий парадигмаларини унинг онтологик ва гносеологик жиҳатларини аниқлаш ва таҳдил қилишни тақозо этади.

Бу зарурият айниқса трансформация жараёни билан боғлиқ бир қанча зиддиятларнинг намоён бўлиши, бу даврнинг ўзига хослиги, қўлами, суръати, ривожланиш даражаси бўйича олдинги барча даврлардан устун бўлган техноген, ахборот-компьютер цивилизацияси даври сифатида кирганлиги, инсон томонидан коинотнинг ва чексиз океан тубининг тадқиқ қилинаётганлиги, дунёning кўплаб сирларини очаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, бугунги глобал дунёда энг устувор қадрият бу — билим ва ахборот. Дарҳақиқат, “Биз кенг қўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик” [1; Б.223.] Агар билим жамиятни ташкил этишининг асосий тамойилига айланса, бу аввало бутун ҳаётимизни билим асосида қуроллантиришимиз зарурлигини англаатади. Шундай экан, ҳақли савол туғилади: XXI аср учун таълим қандай парадигмаларни тавсия қиласи? XXI асрда қандай қадриятлар устувор аҳамият касб этади?

Ижтимоий-маънавий ҳаётда таълим-тарбиянинг мақсадлари, шакллари ва мазмуни ўзгарди. Шубҳасиз, таълимни ривожлантиришнинг умумий тенденцияси, бутун дунёда бўлгани каби, таълимнинг бозор эҳтиёжларига тобора кўпроқ йўналтирилиши бўлди.

Жамият тор касбий таълим натижаси бўлган, стандарт фикрлайдиган, тор дунёқарашга эга бўлган “бир ўлчовли шахс” билан амалда муросага келди. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, “бир ўлчовли шахс” нинг кейинги фаолияти, унинг тобора кенг маънавий-маданий макон майдонини эгаллаши нафақат таълим учун, балки бутун жамият ҳаёти учун ҳам хавфли оқибатларга олиб келади. Бир ўлчовлилик, бир ёқламалиқ, тор касбий билим ҳар қандай шахс ҳаёти ва меҳнат фаолиятида чекловларга сабаб бўлади. Шу боисдан, XX асрнинг сўнгги ўн йилликлари ҳамда ҳозирги даврда ҳам ҳукмронлик қилган “бир ўлчовли шахс” ва шунга мос равишда мутахассисларни тор касбий тайёрлашга қаратилган таълим тизими фундаментал, ҳар томонлама мустаҳкам билимга ва ижодий тафаккурга эга бўлган кўп қиррали интеллектуал шахсга ўз ўрнини бўшатиши керак. Шу билан боғлиқ дунё, инсон ва жамият ҳақидаги билимлар тизимини тубдан қайта ислоҳ қилиниши зарурияти аён бўлади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Улкан ўзгаришлар ва ривожланишларга замин яратган аждодларимиз XIX аср охири ва XX аср бошларида маърифатпарварлик

ғояларини илгари сурган ва тарғиб этган жадидчилик мактаби вакилларири [21]. Бугунги кун давр талаби бўлган таълим соҳаси ислоҳотлари инновацион негизининг концептуал асосларини бевосита жадид мутаффакирларининг фалсафий ғоялари асосида яратилиши айни муддао.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таълим тизимининг барча бўғинлари мактабгача таълим, мактаб таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим трансформациясига алоҳида эътибор қаратмоқда [1; Б.222-234.]. Зероки Президентимиз таъкидлаганлариdek “**Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир**”.[2]

Халқлар маданияти, фалсафа, экология, информатика, ўлкашунослик, диншунослик, математика, физика ва бошқа фанлар универсал инсон таълим дастурининг таркибий қисми бўлмоғи лозим, унинг мақсади ва моҳияти, В.И.Вернадский ёзганидек, “яхлит билим” ва “яхлит дунё” бўлади. Бу жараённи имкон қадар жадаллаштириш керак, акс ҳолда кеч бўлади [3; Б.7.].

Я.А.Коменский ҳам ўзининг табиий истеъододларни ривожлантиришга бағишлиланган асарларида масъулиятли ҳамда маънавий бой шахсни шакллантиришнинг аҳамияти ва зарурлиги ҳақида ёзган. [6; Б.8.]. Бундан ташқари Э.Н.Гусинский., Б.И.Турганиновлар фикрича: “Таълимнинг мақсади ҳаётга эмас, балки меъёрларга, барқарор меъёрларга, абадий ҳақиқатларга мослашишдир” [4; Б.141.].

XIX-XX асрлар бўсағасида Ж.Дъюи таълимни инсоннинг муваффақият қозонишига имкон берадиган ҳақиқий тажриба асосида шакллантириш керак, деб таклиф қилди [5; Б.10-12.]

А. Серобов бугунги кунда анъанавий таълим услубларининг интернет, электрон-компьютер сетлари ва телекоммуникация муҳитига асосланган янги ўқитиш услублари билан тўлдирилишининг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратади [8; Б.153.]. О.Р. Шамиева ўз тадқиқотларида айни дамда “ўқув масканларида бошқарув психологияси бўйича назарий ва амалий билимларни бериш зарур” лигига урғу беради [22; Б.163.]

**Муҳокама.** Инсоннинг асл табиати – унинг ақлидир. Ақл-идрок бугунги кунда инсон ўзини коинот билан бир бутунлигини тўлиқ англашни тақозо этмоқда. Агар инсон ўзини коинотнинг, ноосферанинг бир зарраси сифатида англаб етса, табиатга шафқатсиз, ваҳший, худбинлик билан муносабатда бўлишга ўрин қолмайди. “Шахс мустақил, масъулиятли бўлиши билан бирга инсонийликдан узилмаслиги керак” [3; Б.7.]. Бу назария, энг аввало, эркин ва шу билан бирга, ҳар қандай хатти-ҳаракатининг оқилоналиги учун ўзининг маънавий жавобгарлигини ҳис қиласидиган, масъулиятли шахсга таълим бериш ва тарбиялаш назариясидир. Бундай шахсни тарбиялаш бевосита жамият, объектив воқелик таъсирида амалга ошади. Замонавий қарашларга кўра, кенг билимли шахсни шакллантириш бир қанча муаммоларни ҳал қилишни талаб қиласиди.

Биринчидан, дунёнинг замонавий табиий-илмий манзараси, биосфера ва умуман коинот муаммолари билан танишиш, инсоннинг табиатдаги ўрнини теранроқ англаши заруратини юзага келтирмоқда. Зеро, “Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви шароитида Ер шарида яшаётганлар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий фаолият олиб бораётганлар инсоннинг биологик тур сифатидаги ҳолати ҳамда бошқа экологик тур вакиллари билан биргаликда яшаш имкониятларини англаши орқали барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун ҳаракат қилишини тақозо

қилмоқда” [11; Б.39.]. Бу орқали инсоннинг табиат билан муносабатини уйғунлаштириш ва шу асосда экология ва ноосфера муаммоларини ҳал қилиш имконияти туғилади.

Иккинчидан, инсон жамиятда яшаши ва унинг замон билан ҳамоҳанг ижтимоийлашуви учун тарих, ҳуқуқ, маданиятшунослик, иқтисод ва фалсафани ривожлантириш лозим. Бу эса инсоннинг ўзи яшаётган маданий муҳитга сингиши зарурлигидан келиб чиқиши керак.

Учинчидан, рақамли технологиялар асрида билим интеллектуал манба сифатида муҳим аҳамиятга эга ва таълим билимларни эгаллаш ва тизимлаштириш усулидир [9]. Замонавий инсон бой ахборот муҳитида яшайди ва таълим тизимининг вазифаси уни ахборот оқимида яшашга ўргатиш, узлуксиз ўз-ўзини тарбиялаш учун шартшароитларни яратишдан иборат.

Ниҳоят, тўртинчидан, инсон ўзи билан ҳамфиқр бўлиши керак, бу эса психология, адабиёт ва санъат соҳасида маълум билимларни талаб қиласди.

**Натижалар.** Таълимни фундаменталлаштириш ғояси глобаллашув жараёнларида инсониятнинг муҳим муаммоларни ҳал қилиш, унинг кўплаб табиий ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш заруратидан келиб чиқади. Биринчи марта Вилгелм фон Гумболдт томонидан XIX аср бошларида шакллантирилган фундаментал таълим концепцияси шуни назарда тутадики, бундай таълимнинг предмети айнан бугунги кунда фан ўзининг энг юқори босқичида кашф этаётган фундаментал билимлар бўлиши керак [12]. Бундан ташқари, таълим тўғридан-тўғри илмий тадқиқотлар билан боғлиқ бўлиши лозим. Дунёнинг янги воқеиликлари таълим соҳасида кўплаб қарама-қаршиликларни келтириб чиқарди. Улардан асосийси, миллий таълим тизимларини сақлаб қолиш ва шу билан биргаликда жаҳон таълим тизимиға муаммосиз, тўлақонли киришни таъминлашга интилишдан иборат. Бу ҳолатда қуйидагилар амалга ошади: биринчидан, ноёб этник-маданий меросни етказища авлодлар давомийлиги, иккинчидан, миллий ўзига хослик сақланиб қолади ва янги импульс олади, учинчидан, миллий таълим компонентининг мазмуни ишлаб чиқлади.

Таълимда инсонпарварлик ва инсонпарварлаштириш асосий муаммоларидан биридир. Бугунги кунда инсонпарварлаштиришнинг янги босқичи ҳақида гапириш зарурияти замонавий цивилизациянинг бир қатор глобал муаммоларининг кескинлашуви билан боғлиқ. “Жамиятда дегуманизация жараёни кучайди. Ғарб рационализмининг XX аср иккинчи ярмидаги инқизози, турли-туман мўътадил ва тажовузкор диний секталар, мистик теософик, спиритуалистик, парапсихологик таълимотларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги, телевизорларда шу мавзудаги ҳамда зўравонлик ва фаҳшни очиқ кўрсатувчи фильмлар салмоқли ўрин эгаллаганлиги бунга далилдир” [10; Б.128.]. Бугунги кунда кескин ғоявий-методологик хусусият касб этган ҳалқаро терроризм муаммоси, ҳозирги экологик вазият, жамиятни ҳаддан ташқари технологиялаштириш, ижтимоий ривожланишнинг ғайриинсоний парадигмасига айланиш хавфи глобал хусусият касб этмоқда. Буларнинг барчаси ва бошқа омиллар гуманитар фанларнинг ролига янгича баҳо беришни, уларни ўқитишнинг инновацион усул ва услубларига, умуман, ёш авлодга таълим ва тарбия бериш масалаларига эътибор қаратишни тақозо этади. Ушбу умумпланетар миқёсдаги ҳаёт ҳақиқати бу муаммога қайта ва қайта эътибор қаратишни талаб қиласди.

Жамиятимиизда таълимни инсонпарварлаштириш тенденцияси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармонида ва бошқа бир қатор таълимнинг ҳуқуқий асосларида ўз ифодасини топган.

Фикримизча, юқорида юқорида қайд этилган барча ҳолатлар, таълим ва тарбия тизимида ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни ва ролини тубдан ўзгартириш зарурлигини яққол кўрсатиб турибди. Зеро, фақат инсонпарвар шахс, инсонпарварлаштирилган таълим технологияларигина жамиятни ўзгартиришга, унинг маънавиятсизлигини даволашга қодир. XXI асрда инсоният цивилизациясида янги ривожланиш даври ахборотлашган жамият даври бошланди.

Бу информацион-телекоммуникациянинг жадал ривожланиши, ахборот технологияларининг тезкор тарқалиши, жамият ривожланиш жараёнларининг глобаллашуви, халқаро коммуникацион ҳаёт муҳити, таълим, мулоқот ва ишлаб чиқаришнинг шаклланиши ҳамда ахборот муҳитининг ривожланиши, шунингдек, интернет технологияга асосланган телеўқитиш ва масофавий таълим бир қатор янги функцияларни бажариш билан характерланади. Бироқ, гап таълим-тарбия хусусида борар экан “ҳатто замонавий педагогик ёки ахборот-коммуникация технологияларидан ҳам фойдалана билишининг ўзига хос ва мос мезонлари мавжудлигини унутмаслик керак. Ноанъанавийлик, инновация ёки интерфаоллик байроғини баланд кўтарувчилар ҳам ўқитишнинг минг (балки миллион) йиллик анъана ва тажрибалари, тўпланган улкан тажрибавий захирасини инкор этмасликлари лозим” [8; Б.86.].

Юқоридаги фикрларга асосланиб, учинчи минг йиллик бошидаги ўзгарган маънавий вазият, умуман, таълимни, хусусан, олий таълимни янги методологияга йўналтириди, дейишимиз мумкин. Яхлит дунёқараашдан келиб чиқадиган универсал мантиқ замонавий олий таълимнинг умумий методологияси ҳисобланади. “Янгича фалсафага кўра таълим тизими ва жараёнида билим эмас, балки ўқувчи-талаба шахси асосий бош қадрият ҳисобланади.

Дидактик жараён субъект-субъект шаклида амалга оширилади. Яъни ўқувчи-талаба ўқитувчи билан биргалиқда таълим жараёнини амалга оширадиган субъект мавқеида бўлади. Янгича педагогик фалсафа ўқувчи-талаба оламдаги нарса, ҳодисаларни жараёнларни ўз кўзи билан кўради, идрок этади. Шундай экан у бу нарса, ҳодисаларни ўз кучи билан ўрганиши керак, деган ғояга асосланади. Янгича фалсафий ёндашувга кўра инсон олам ҳодисаларини яхлит, бир-бирига боғлиқ ҳолда ўзлаштиради. Шу боис таълим ҳам ана шу фалсафий қонуният асосида уюштирилиши лозим” [7; Б.15.].

Ушбу янги методология янги ўқитиш усулларини, янги таълим технологияларини талаб қиласди. Бу технологиялар фундаментал ва амалий фанлар ютуқларини интеграциялашуви негизида вужудга келади. Бундай самарага эришишнинг асосида информатика, ягона ахборот тизимининг яратилиши интернетнинг кенг тарқалиши бўлиб, у таълимда одамлар ўртасидаги мулоқотни ривожлантиришга ёрдам берадиган, бўлажак мутахассисларни дунё ва инсонни ҳар

томонлама тушунишга, инсонни инсоният, умуман коинот билан уйғун идрок этишга йўналтирадиган энг янги усул ва услублардан фойдаланиш имконини беради.

Бу борада мактабгача таълимдан тортиб, олий таълимгача бўлган замонавий таълим жараёнини ҳам модернизация қилиш зарурлиги намоён бўлади.

Мактабда ўрганилган билимларнинг мустаҳкамланиши ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнидаги инноватор-ўқитувчилар томонидан қўлланиладиган кўплаб инновацион усуллар ҳамда таълим шакллари туфайли амалга оширилади. Улар ўқувчиларнинг фаоллигини, ўрганилаётган фанга қизиқишини уйғотишига асосланади. “Ишбилармон ўйин”, “Ақлий ҳужум”, “Талаба-семинар раҳбари” каби машғулот шакллари аллақачон одатий ҳолга айланган. Бугунги кунда олий таълимга фаол жорий этилаётган ўқитишнинг интерфаол усуллари талабалар гуруҳини фаоллаштириш асосида олий таълимни қайта қуришга хизмат қилмоқда. Ушбу барча янги технологиялар айнан ўқитувчи ва талабанинг шахс сифатида тушунишига асосланади, таълимни янада эркинлаштириб, таълим обьекти ва субъекти ўртасидаги муносабатларда қатъий тартибга солиш, авторитаризмни рад этишга ёрдам беради.

**Хулоса.** Юқоридаги таҳлилларга таяниб, глобаллашув шароитларида таълим соҳаси ва таълим тизимлари трансформация жараёни билан боғлиқ қуйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришимиз мумкин:

**биринчидан**, умумий бўлган глобал ва ахборот жараёнларининг ривожланиши туфайли бутун дунё таълим тизимида муаммо майдонининг ўхшашлиги мавжуд: таълим ва тарбия мақоми ўзгариб, хизмат кўрсатиш соҳасига айланиб, товарга айланмоқда. Таълимни тижоратлаштириш таълим сифатининг ўзига салбий таъсир кўрсатмоқда, таълимни тўлиқ технологиялаштириш, шунингдек, тижоратлаштириш муаммоси кескинлашмоқда;

**иккинчидан**, глобаллашаётган, ахборот дунёси шароитида таълим тизимлари оммавий жамият, бозор муносабатларида шаклланмоқда. Бу эса фақат оммавий истеъмол жамиятига мослаштирилган шахснинг шаклланишига, олиб келади. Таълимнинг дидактик тизими турли хил таълим амалиётларининг плюрализми билан ўрин алмашади, билим энди обьектив воқеликнинг акси сифатида эмас, балки ўзига хос ўринбосар белги сифатида қаралади. Аслида, “ихтиёрийлик” принципи эълон қилинган, мақсад эса имкон қадар оммавий жамият эҳтиёжларини қондириш;

**учинчидан**, таълим тизимларининг асосларини тубдан қайта кўриб чиқиш ва уларнинг энг муҳим таркибий қисмларини мустаҳкамлаш зарур. Фундаментал ва маҳсус фанларни ўқитиш асосида табиатга муносабатини экологик онг даражасида англайдиган, кенг профилли, юқори малакали мутахассис, билимли, зукко шахс-профессионалнинг янги идеалини шакллантириш зарур. “Ҳозирги шароитда тараққиётнинг янги босқичида илмий билимларда экологиялашувга ёндашиш кузатилмоқда. Бу жараённинг ўзига хос хусусияти табиий ҳолатни ўрганиш билан бирга, унинг инсон фаолиятига боғлиқ жиҳатларига ҳам кўпроқ эътибор берилмоқда” [11; Б.7.]. Демак, янги таълим тизимининг энг муҳим таркибий қисмлари фундаменталлаштириш, гуманизм ҳамда экологиялашув бўлади.

**тўртинчидан**, Ғарб ва Шарқ таълим тизими ўртасида чуқур ўзаро боғлиқлик, бир-бiriни тўлдирувчилик, таълим ва тарбиянинг турли шакллари ёт унсурларни идрок этишда умумийлик ва яқинлик мавжуд. Ягона таълим маконини шакллантириш

шароитида миллий таълим анъаналарини асраб-авайлаш, Шарқ ва Ғарб таълим ва тарбия тизимини трансформацияси, модернизацияси ва ислоҳ қилинишининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2022. – 440 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 20.12.2022 <https://president.uz/uz/lists/view/5774> Мурожаат этилган сана: 02.02.2024
3. Вернадский В.И. Начало и вечность жизни. – М.: Изд-во Совет. Россия, 1989. - 702 с.
4. Гусинский Э.Н., Турганинов Б.И. Введение в философию образования. - М.: Логос, 2000. – 224 с.
5. Дьюи Дж. Демократия и образование. – М.: Педагогика-Пресс, 2000. –382 с.
6. Коменский Я.А. О развитии природных дарований // Избранные педагогические сочинения. - Москва: Издательство Юрайт, 2022. – 440 с.
7. Примов Т. Таълим фалсафаси ёки таълим тарбиянинг методологик масалалари. – Т.: «Фан ва технология», 2014. – Б. 272.
8. Серобов А. Таълимга тикилган сармоя. – Тошкент: «Akademnashr», 2022. – 192 б.
9. Суннатов Н.Б. Инновации как фактор стабильного развития // Аль-Фароби. Журнал социогуманитарных исследований. – Алма-ата (Казахстан). №2(74) 2021г. – С. 88-99.
10. Эркаев А. Тафаккур эркинлиги – Т.: «Маънавият» 2007 – 160 б.
11. Ҳакимов Н.Ҳ. Инсон экологияси: Монография. – Т.: “IQTISODIYOT”, 2021. – 244 б.
12. <https://pedagogika2012.wordpress.com/2012/12/19/> Мурожаат қилинган сана:02.02.2024.
13. Эшонкулова Н.А. Человеческое мышление: научно-технические открытия и социальные традиции //актуальные исследования учредители: ООО «Агентство перспективных научных исследований». – №. 23. – с. 27-29.
14. Эшонкулова Н. А., Юсупова Ф. З. Стремление к знаниям как залог достижения счастья //Вестник науки и образования. – 2019. – №. 13-1 (67). – С. 75-77.
15. Эшонкулова Н.А. Замонавий жамият ривожи: баҳт-саодат феномени ва унинг ижтимоий-ахлоқий жиҳатлари //“Falsafa va hayot” халқаро журнал (“Philosophy and life international journal”) – Тошкент, 2023. Б.98-105. №SI-2 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9505-2023-SI-2>
16. Eshonkulova N.A., Yusupova F.Z. Phenomena Of Happiness In Philosophy And The Meaning Of Life, // Boletin De Literatura Oral - The Literary Journal, 10(1), Vol. 10 No. 1 (2023). Pg no: 3944-3948. ISSN: 2173-0695.
17. Yusupova F.Z., Eshonkulova N.A. Ideal And Values As The Expression Of The Aspiration Of The Human Towards Spiritual Perfection// Boletin De Literatura Oral - The Literary Journal, 10(1), Vol. 10 No. 1 (2023). Pg no: 3939-3943. ISSN: 2173-0695.
18. Юсупова Ф.З. Проблемы повышения идеологического иммунитета молодёжи в процессе глобализации//«European research» (LONDON. UNITED KINGDOM). – Россия: «Проблемы науки», 2016. – № 4 (15). – С.100-101.
19. Юсупова Ф.З. Перспективы повышения инновационной активности молодежи Узбекистана // Вестник науки и образования. – Россия: «Проблемы науки», 2020. – №12 (90). Часть 3.– С.66-68.
20. Yusupova F.Z. Axloqiy tafakkur rivojlanishida qadriyat va ideal tushunchalarining o‘zaro nisbati // Falsafa va hayot. – Toshkent, 2022. – №SI-2. – B.109-114.

21. Ismoilova D. A. Berdiev N. O. Saparbayeva E. D. Jadid maktablarida chet tillar targ'iboti // Ilm sarchashmalari. – Urganch, 12/2.2023 – B.163-166
22. Shamiyeva O. R. Sharq mutafakkirlari asarlarida rahbarlik va boshqaruv muammolarining talqini // Ilm sarchashmalari. – Urganch, 12/2.2023 – B.160-163

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/1 (4) – 2024***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масьулияти чекланган жамияти**

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).